



Бугун Хоразмда етиштирилган пахта ҳосилини нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш учун йиғим-терим кураши бормоқда. СУРАТЛАРДА: Хонқа районидаги «Хоразм» колхозининг механик-ҳайдовчиси Бекмамат Абдураҳмонов ҳар куни 7-8 тоннадан пахта термоқда; Шовот районидаги Чкалов номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Зариф Раҳматов механик-ҳайдовчилар билан маслаҳатлашмоқда.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ фотолари

Саидмаҳмуд УСМОНОВ, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги экономикаси институти директори

# ТЕРИМЧИНИНГ ИШ ҲАҚИ

Бугун пахта йиғим-терими айни авжига чиқаётган пайт. Қандай қилсак ҳосилни тез, соз, исрофсиз йиғиштириш мумкин? Бу масала устида бош қотирмаган одам йўқ. Нафақат теримчию механизатор, олиму ёзувчи, пахта ташвиши елкасида бўлган бутун халқ шу ҳақда ўйлайди. Сабаби, деҳқон умидини тикан ҳосил ерда қолмаслиги керак. Ерда қолганда ҳар толаси учун етти букилмаслик, даромадни харажатга бой бермаслик керак.

Тўрт-беш йил муқаддам манзара бундай эди: ўқувчию студентга қаноат қилинмас, «етти яшардан етмиш яшаргача» деган принцип амалда эди. ГАИ йўлда машиналарни таъқиб этар, бензин берилмас, милициянинг эса теримчининг нонини туя қилиб, ҳам тарозидан, ҳам иш ҳақидан ураётган, нарядларни сохталаштираётган қаллоблар билан иши бўлмас, йўлларда қоровуллик қилиб, ўтган-кетганнинг қўлига фартук тутқазарди... Бу усул, барибир, самара берган эмас. Бугун партиямиз ўз умрини яшаб бўлган маъмурий тазйиқ усулидан тезроқ воз кечишни, моддий манфаатдорликка асосланган иқтисодий принципларни жорий этишни илгари сурмоқда.

Бу усул пахта йиғим-теримида қандай самара беради? Уни қандай ташкил этиш керак? Шу ҳақда фикр юритмоқчимиз.

Пахтага сарф қилинадиган меҳнатнинг 45-50 фоизини йиғим-терим ташкил қилиши ҳаммага маълум. Шу сабабли бу жараённи техникасиз тасаввур этиш қийин. Аммо ўтган йили ҳар бир машина билан ўртача 50 тоннадан пахта терилди. Бу ҳолда машина иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайди. Бордию 70-80 тоннадан теришга эришилганда эди, у ҳолда машина йиғим-теримини ташкил этишга кетган маблағлар (дефолиация, ёнилғи, машина ремонти ва бошқа харажатлар) қопланиб, ҳар тонна пахтанинг харажати қўл терими билан тенглашган бўлур эди. Аммо биз бу билан ҳам қаноатлана олмаймиз. Машинада терилган пахта қўлда терилганидан арзон тушиши, бинобарин, бундан деҳқон иқтисодий фойда кўриши керак. Шубҳасиз, айрим жойлардаги антимеханизаторлик кайфияти ҳам шу билан барҳам топади. Бунинг учун **ҳар бир** машинада камида 100 тоннадан пахта теришга эришмоқ керак.

Бундай хўжаликлар кўп. Зарур агротехника қоидаларига риоя қилиниб, машиналар бекаму-кўст ишлатилганда икки теримда ҳосилнинг 91-92 проценти йиғиб олинмоқда. Машина ҳосилни ерга тўкади-ку, деган гапларни ҳам эшитасиз. Тўғри, машина теримига таваккалчилик билан қаралаётган жойларда исрофгарчилик 15-20 процентга ҳам бормоқда. Илғор хўжаликларда эса пахтанинг ерга тўкилиши ҳозирги номукаммал деб ҳисобланаётган машиналарда ҳам 8-9 процентдан ошмаётир, яъни машинани яхши ишлатаётган хўжаликларда унинг иш самараси бошқа хўжаликлардагига қараганда 20-25 процент юқори, ҳосил таннархи эса 13 — 15 процент арзон.

Бундан шундай хулоса келиб чиқади: бугун биз машинада **ҳам кўп, ҳам сифатли** пахта терилишини ҳар жиҳатдан моддий рағбатлантиришимиз керак. Ҳосилни **тоза ва кўп териш** билан механизатор оладиган **иш ҳақи** ўртасида узвий боғлиқлик бўлиши зарур.



Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги экономикаси институти бугунги қайта қуриш талабларига асосланиб, механизаторлар меҳнатини рағбатлантиришнинг янги усулларини ишлаб чиқди. Аввало, терим машиналарининг маркаларига қараб, уларнинг ҳар бирига қатъий мавсумий норма белгилаш керак.

Бу нормалардан кўп терилган ҳар бир процент пахта учун механизаторга қўшимча иш ҳақи белгилаш зарур. Иккинчидан, машинанинг иш унуми ошиб боргани сайин (яъни, нормадан кўп пахта терилгани сайин) унга сарф этиладиган моддий харажатлар камаяди. Шу сабабли нормадан ташқари терилган ҳар тонна пахта учун механизаторга тежалган маблағнинг 70 проценти берилиши лозим.

Энди сифат масаласига алоҳида тўхталамиз. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, ҳозир биз машина теримининг бутун самарасини яхши созланмаган агрегат ёки ношуд механизатор ерга тўккан пахтани қўлда териб олишда йўқотмоқдамиз. Одатда 50-60 килограмм пахта териши мумкин бўлган теримчи 20 килограммдан ортиқ подбор теролмайди. Демак, тўкилган пахтани йиғиштиришда теримчининг иш унуми пасаяди. Шу сабабли подбор териш учун сарфланадиган ортиқча харажат ҳосилни ерга тўкишда айбдор бўлган механизаторлар, агроном, бригадир, участка бошлиғи, механиклар маошидан тутиб қолиниши ёки механизаторнинг сифатсиз иши бракка чиқарилиши керак.

Сифатли териш, кўп жиҳатдан, ҳайдовчига боғлиқ. Демак, пахта ерга қанча кам тўкилса, подбор териш учун кетадиган харажат шунча камаяди. Шунга кўра, пахтани сифатли териб, подбор харажатларини камайтирган механизаторга тежалган маблағнинг 70 проценти мукофот тариқасида берилиши лозим.

Бугун вазиятнинг мураккаблиги ҳаммага аён. Машиналар билан мўлжалдаги ҳосил териб олинганда ҳам салкам 3 миллион тонна пахтани қўлда теришга тўғри келади. Бу осон эмас. Ўтган йилларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қўл теримига ҳақ тўлашнинг мавжуд системаси теримчиларнинг юксак самарали меҳнатини, айниқса мавсумнинг иккинчи ярмидаги ишларни зарур даражада моддий рағбатлантиришга қодир эмас. Йиғим-теримнинг чўзилиб кетишига, ҳосилнинг анчагина қисми бой берилишига олиб келаётган сабаблардан бири ҳам шу.

«Пахта йиғим-теримида меҳнатга ҳақ тўлаш тартиблари тўғрисида»ги низомга мувофиқ теримчига 3-разряд билан (бир нормага 3 сўму 37 тийиндан) ҳақ тўланади. Теримчи бир ой бадалида зўр бериб ишлаб, 25 норма бажарса сентябрь ойида 60-80 сўм, октябрь ойида эса 30-50 сўм олиши мумкин. Ҳолбуки, республика хўжаликларидаги йиллик ўртача иш ҳақи ойма-ой ҳисоблаганда 120—180 сўмни ташкил этади. Ишнинг энг қийин даври терим мавсуми эканлигини ҳисобга олиб, пахтакор меҳнатига моддий манфаатдорликка асосланган ҳолда ҳақ тўлаш, бинобарин, иш ҳақини ошириш лозим. Чунки пахта яхши очилиб, қуёшли кунлар қисқарган пайтда моддий манфаатдорликнинг ниҳоятда пастлиги терим ишлари суръатининг ҳаддан ташқари тушиб кетишига олиб келади. Бундай қийин пайтларда колхозчилар даромад камлиги учун бошқа ишларни афзал кўра бошлайдилар. Шу сабабли хўжаликлар ўқувчиларни, шаҳарликларни оммавий ҳашарларга жалб этишга мажбур бўлишади. Уларнинг меҳнатига, транспорт ва бошқа хизматларга кетадиган йиллик харажат эса 200-220 миллион сўмни ташкил этмоқда. Ҳатто шу маблағнинг ўзи билан ҳам пахта йиғим-теримида банд бўлган колхозчи ва совхоз ишчиларининг меҳнатига ҳозиргидан икки баробар зиёд ҳақ тўлаш мумкин.

Баъзи хўжаликлар ҳосил тақдирини ҳал қиладиган айни кунларда теримчига кам ҳақ тўлайдилару аҳвол мураккаблашганда иш ҳақини оширадилар. Аммо бу кутилган натижани бермайди. Чунки ҳосил сифати тушиб, иш унуми камайган пайтда теримчи 10-15 килограммдан ортиқ пахта теролмайди.

Эндиликда кўп йиллардан буён давом этиб келаётган бу номақбул иш услубидан воз кечиш пайти келди. Биз бугун тезроқ, кўпроқ ҳосил териб олинишини таъминлаш учун, аввало, иқтисодий омиллардан тўғри фойдаланишимиз керак. Ҳозир хўжаликлар ўз шароитидан келиб чиқиб, 3 сўму 37 тийин ҳақ тўланадиган бир иш нормасини 60 ёки 50 килограмм эмас, 40 килограмдан белгилаши мумкин. Шунда теримчига ҳар килограмм пахта учун 8,4 тийиндан ҳақ тўланади.

Хўжаликлар йиғим-терим мавсумининг исталган 45 куни мобайнида ҳақ тўлашни мустақил ҳал этиш ҳуқуқига эга. Шундан фойдаланиб бир ойда 35 норма бажарган теримчига асосий иш ҳақининг 10 проценти, 40 норма бажарганга 20 процент, ундан ҳам оширганга 30 процент миқдорида қўшимча ҳақ тўлаб, рағбатлантириб бориш лозим. Теримчиларга тўланадиган ҳақни яна 15-20 процент ошириш ҳам мумкин. Айни кунларда оқ пахтанинг ҳар килограммига бемалол 10 тийиндан, ипак пахтага эса 15 тийиндан ҳақ тўлаш мумкин.

Мен яқинда Жарқўрғон районидаги «Коммунизм» колхозида бўлдим. Хўжалик ўтган йили йиллик иш ҳақи фондининг 10-15 процентинигина йиғим-теримга ажратган экан. Колхоз мутахассислари моддий манфаатдорлик механизмларидан оқилона фойдаланишмаганига иқрор бўлишиб, бу йил теримда иш ҳақини икки баробар кўпайтириш имкони мавжуд деган фикрга келишди. Хўжалик 25 сентябрдан бошлаб мана шундай янгича усулда ҳақ тўлашга ўтди. Бу ерда эътиборни қаратадиган нозик масала ҳам бор. У ҳам бўлса жорий этилаётган янги усулни аввалдан ҳар бир меҳнатчининг онгига етказишдан иборат.

Хўжаликлар ўз шароитини ҳисобга олиб, ҳақ тўлаш масаласини қайта-қайта кўриб чиқишлари, янги-янги нархлар белгилаши мумкин. Сурхондарё область агросаноат комитетининг раиси Ҳумоюддин Шарафиддиновнинг гувоҳлик беришича, «Коммунизм» колхозида қўллана бошлаган бу тадбир барча районларда оммалашмоқда.

Институтимиз республика хўжаликларининг ишчи кучлари билан таъминланиш даражасини чуқур таҳлил қилиб чиқди. Теримни ўз кучлари билан уддалаши мумкин бўлган хўжаликлар 60-70 процентни ташкил этади.

Ушбу тавсиялардан оқилона фойдаланилганда ҳар килограмм пахта учун ўртача 12 тийиндан ҳақ тўлаш мумкин. 2-2,5 миллион тонна пахтани қўлда териб олиш учун 240—300 миллион сўм кифоя. Механик ҳайдовчиларнинг иш ҳақи эса 40-45 миллион сўмни ташкил этади. Шунда ҳам 1984 ва 1986 йилларда йиғим-теримда сарфлаганига нисбатан 280 миллион сўм маблағни тежаб қолиш ва уни йил охирида деҳқонларга мукофот тариқасида бериш мумкин.

Бугун пахта яхши очилиб бўлди. Айни суръатга суръат қўшадиган, ҳосил тақдирини ҳал қиладиган пайт. Демак, моддий рағбатлантириш, теримчи меҳнатига ҳақ тўлашнинг зарур усулларидан шундай фойдаланиш керакки, натижада суръатнинг ошишига йўл очсин. Пахтакорнинг фидойи меҳнати ҳам ўз қадрини топсин.

# ПАХТАКОРНИНГ ҲАЛОЛ НОНИ

**Боши биринчи бетда**

пайдо бўлмаган эди. Бу эса осмондан тушган нарса космик кема ёки метеорит эмаслигидан дарак берар эди. Узоқ тортишувлардан кейин мутахассислар «самовий меҳмон» жуда катта қор ва муз бўлаги бўлиши керак, деган қарорга келишди. Бироқ олимларни бошқа нарса ҳам ҳайратга солди. Нима учундир ўша фожеавий паллада ўт тушган ўрмонлар нисбатан қисқа муддат ичида катта шиддат билан ўсиб кетибди. Арчалар, қарағайлар бошқа жойлардагига нисбатан баландроқ, бўлиқроқ ривожланибди. Ниҳоят, узоқ изланишлардан кейин «самовий меҳмон» тушган жойдан ерда учрамайдиган микроэлементлар топилди. Мутахассислар ўша моддани лаборатория усулида синтез қилиб ажратиб олдилар. Маълум бўлишича, бундай ўғит ҳарқанақа ўсимликнинг ҳосилдорлигини икки-уч ҳисса ошириб юборар экан.

«Вокруг света» журналининг мухбири ўша олимларга шундай савол беради:

— Бу ўғит шунчалик кучли экан, уни саноат усулида ишлаб чиқариб, қишлоқ хўжалигида фойдаланса бўлмайдими?

— Бўлади, — деб жавоб беришади олимлар. — Аммо бунақа ўғит жуда қимматга тушади. Ўзини оқлолмайди.

— Наҳотки, ер юзидаги биронта ўсимлик ўзини оқлолмаса?

— Битта экин оқлаши мумкин: ингичка толали пахта!

...**ШУ ЙИЛ КАВКАЗГА ДАМ ОЛГАНИ БОРГАНИМДА** ёмғир кўп ёғди. Шамоллаб қолдим. Ҳар куни иссиқ кофта кийиб овқатлангани тушаман. Мен билан бир столда ўтирадиган малласоч, хушчақчақ йигит эса исиб кетаётганидан шикоят қилади, кўйлакчан юради.

— Шуни совуқ деяпсизми? Биз томонларда қишлари 50 даражадан ортиқ совуқ бўлади.

Маълум бўлишича, столдош ҳамроҳим Тайшетда йўл қурувчи бўлиб ишларкан.

— Асосан қишда ишлашга тўғри келади. Ёз, куз пайтлари ботқоқликдан юриб бўлмайди. Ер музлагандан кейин ишлаш осонроқ. Аммо баъзан шунақанги совуқ бўладики, машиналарнинг деталлари ҳам тарсиллаб ёрилиб кетади.

Шу йигит бир куни Ўзбекистонни орзу қилиб қолди.

— Сизларга мазза! Шириншакар мевалар, қовун-тарвузлар... Пахта териш ҳам гул теришга ўхшаган гап бўлса керак. Телевизорда кўрсатиб қолишади. Атлас кўйлак кийган чиройли қизлар ашула айтиб пахта териб юришади. Машиналарда пахта тераётганини кўриб, одамнинг ҳаваси келади.

— Сиз қанча ойлик оласиз? — деб сўрадим.

— Шароитга қараб. Баъзан 400 сўм, баъзан 700 сўм.

...Бундан беш-олти йил илгари РСФСР санъаткорлари республикамизда меҳмон бўлишди. Ўшанда машҳур қўшиқчи Эдита Пьеха Ўзбекистон телевидениеси орқали сўзга чиқиб бир гапни айтди:

— Кўчадан ўтиб кетаётиб, бир бино тепасидаги «6 миллион тонна» деган сўзга кўзим тушди. Ахир бу даҳшат-ку! 4 граммлик чаноқдан олти миллион тонна тўплаш... ҳайронман...

...Эҳтимол, бир-бирига қовушмаган бу суҳбатлар, бу воқеалар ўртасида мантиқий боғлиқлик йўқдир. Лекин шошилманг.

Бундан кўп йиллар илгари археологлар Наманган яқинида қазишма ишлари олиб боришаётганида ипдан тўқилган арқон топишган. Мутахассислар арқон бундан икки минг йил илгари тўқилганини аниқлашган. Демак, бу ўлкада 2 минг йил илгари пахта экилган. Колумб Американи кашф этмасидан илгари Европада пахта нималигини, табиийки, билишмаган. Тарихий китобларда пахта дарахтининг тахминий расми чизилган. Расмда дарахт шохига осилиб турган қўйлар тасвирланган. Пахтани дарахтда ўсадиган ана шундай ғайритабиий жониворнинг жунидан олинади, деб ўйлашган.

Ҳозирги одамлар учун икки дунё бир қадам. Эрталаб Тошкентдан самолётга ўтирган киши кечқурун дунёнинг нариги чеккасида — Калифорнияда бўлиши мумкин. Шунга қарамай пахтанинг ўзи қанчалик юмшоқ бўлса, заҳмати шунчалик қаттиқ эканини, ўзи қанчалик енгил бўлса, меҳнати шунчалик оғир эканини, афсуски, ҳамма ҳам билавермайди. Албатта, Тайшетнинг машина деталларини тасирлатиб ёриб юборадиган 50 даражали совуқларида йўл қурадиган ўша столдош йигитнинг ишини осон демайман. 300-400 метр чуқурликда кўмир қазийдиган кончига осон тутмайман. Ҳаво кемасига 350 тирик жонни ўтказиб Тошкентдан Москвага парвоз қиладиган учувчига қойил қоламан. Бироқ пахтакорнинг меҳнати уларникидан осонроқ дейиш барибир гумроҳлик бўлади. Негаки, тайшетлик ўша хушчақчақ йигит олти соат ишлаганидан кейин иссиқ уйига кириб дам олади. Кончи беш соат ишлаганидан кейин бола-чақаси билан телевизор рўпарасига ўтириб концерт кўради. Учувчи Москвага бир бориб келганидан кейин уч кеча-кундуз ҳордиқ чиқаради. Қолаверса, ҳеч қайсиси 300 сўмдан кам маош олмайди...

Алам қиладиган жойи шундаки, пахта нималигини билмайдиган кишиларнинг тасаввурида пахтакор меҳнатини ўйинчоққа айлантириб қўйган — ўзимиз! Атлас кўйлакли қизларни далада ашула айттириб телевизорда кўрсатган ўзимиз! Машиналар далада «жавлон уриб» бир мавсумда «минг тонна пахта териб ташлашини» айтиб вайсаган ўзимиз! Шундай экан, машҳур хонанда Эдита Пьеханинг гапини эсламай илож йўқ. Яхшиямки, ўша санъаткор пахтазорга ўз оёғи билан кириб кўрган. Яхшиямки, бир чаноқ пахтанинг вазни 4 грамм эканини ўз қўлида чамалаб кўрган. Яхшиямки, оддий теримчи бир кило пахта учун ерга 250 марта эгилиши кераклигини ҳисоблаб чиққан. Яхшиямки, бир кунлик норма — 100 кило пахта йиғиш учун теримчи 25 мингта чаноққа таъзим қилиши кераклигини тушунган. Бу-ку, терим палласидаги ташвишлар. Унгача бўладиган меҳнат-чи? Менга қолса, дунёдаги энг машаққатли меҳнат пахтакорнинг меҳнати деган бўлар эдим.

Менга қолса, бошқа соҳаларда ҳалол меҳнат қилаётган барча касб эгаларининг заҳматини қилча ҳам камситмаган ҳолда пахтакор ейдиган нон энг ҳалол нон деган бўлур эдим! Менга қолса, дунёдаги энг мард одам, энг танти одам пахтакор деган бўлур эдим. Негаки, у эртадан кечгача, куздан баҳоргача, баҳордан кузгача даладан бери келмайди.

**ЎТТИЗИНЧИ ЙИЛЛАРДАН БОШЛАБ** эллигинчи йилларнинг ўрталаригача ҳақиқатни айтиш қийин бўлган замонлар кечди. Эллигинчи йилларнинг ўрталаридан бошлаб саксонинчи йилларнинг ўрталаригача чала ҳақиқатни айтадиган замонлар кечди. (Ҳолбуки, чала ҳақиқат ҳақиқатдан кўра ёлғонга яқинроқ туради). Албатта, ўша даврларда ҳам биз катта ютуқларга эришдик. Бироқ ютуқларимиз ҳақида бақириб гапирдиг-у, камчиликларимиз ҳақида оғиз очмадик. Партиямизга минг раҳмат! КПСС XXVII съезди турғунликни йўқотиш учун кураш бошлади. Тараққиёт учун энг керакли бўлган нарсани демократиянинг эшигини очиб берди. Бугун биз бошқа соҳалар қатори пахтачиликда йўл қўйилган талай камчиликларни очиқ-ойдин айтаяпмиз. Пахта монокультураси авж олган йилларда бошқа экинларнинг ҳақини ҳам пахта «еб» қўйганини, натижада ерларимиз орқлаб кетганини айтаяпмиз. Ернинг табиий дам олиши ўрнига уни заҳар билан «боққанимизни» ёзаяпмиз. Янги ерлар очамиз деб эски, экишга яроқли майдонларни ишдан чиқарганимизни, сув омборлари қурамиз деб Оролни ўлим ёқасига келтириб қўйганимизни, агар Орол ҳалок бўлса, Ўрта Осиё бошига кўз кўриб-қулоқ эшитмаган балолар ёғилишини, бу нарса фақат Ўрта Осиё республикалари учун эмас, бутун мамлакат учун фожиа бўлишини ёзаяпмиз. Бугун биз болаларимизни деярли чаласавод қилиб қўйганимизни очиқ-ойдин гапиряпмиз. Бугун биз бир тўда шуҳратпарастларнинг мансабдор бўлиш учун, юмшоқ жойи, юмшоқ курсидан жудо бўлиб қолмаслиги учун турли-туман «муқобил», «қўшимча», «оширилган» мажбуриятлар олганини, шу тариқа «қўшиб ёзиш» касалига мубтало бўлганини, охир-оқибат пахтакорларнинг юзи шувит бўлиб қолганини айтаяпмиз. Бир вақтлар «минг тонначи» деган гаплар билан бошқаларни ҳам, ўзимизни ҳам алдаганимизни, янги машина яратиш керак бўлган олимлар халққа, пахтакорга, Ватанга хизмат қилиш ўрнига шон-шуҳрат кетидан қувганлигини яширмаяпмиз.

...Ўтган йили машҳур пахтакор Шоймардон Қудратов билан суҳбатлашганимда у аччиқ истеҳзо билан шундай деган эди:

— Олимларга ҳайронман: янги машина яратдик дейди, орден олади, лауреат бўлади.... Машинасининг янгилиги шуки, кабинасига башарангни кўрсатадиган кафтдек ойна ёпиштириб қўяди-да, баҳосига яна минг сўм қўшади. Тезликка соладиган ричагини бошқачароқ қилиб ишлайдида, устига икки минг сўм қўшади. Терим машинасига ўтирганимга ўттиз йил бўлаяпти. Ҳозир ҳам худди ўша машинанинг ўзи. Пахта терадиган қаторини кўпайтирганини ҳисобга олмаса, ҳаммаси бир гўр!

Ана сизга пахтакорнинг баҳоси!

Бувайда районига борганимда хўжалик раҳбарларидан бири шикоят қилди:

— Қизиқ, далада ишлайдиган жўн трактор сўрасак, ёнбошига бункер қўққайтирилган терим машинасини тиқиштиришади. Хўжалигимизга оддий трактор керак десак, шунақасидан оласан, дейишади. Бунақа машина қурғур жўн трактордан беш ҳисса қиммат турса...

Начора, 30 йил мобайнида қилинган хатоларни уч йилда тузатиш осон эмас. Энг ёмони шундаки, ҳаммадан кўра инсон психикасидаги турғунликни ўзгартириш қийин экан. Чинакам терим машинаси яратиши керак бўлган олимлар ҳамон мартаба талашиб, обрў талашиб бир-бирининг ёқасидан олгудек. Ирригаторлар ҳамон Орол ўлса ўлаверсин, биз эса сув омборлари қураверамиз, деган хаёлда. Аммо замон ўзгаряпти. Шундай ўзгаришларнинг энг жиддий самараларидан бири кўринди. Ҳали айтганимиздек биз бутифос деган балодан қутулдик!

Ҳолбуки, бутифосни ҳар ёқлама ҳимоя қилишга уринган мутахассислар йўқ эмас эди. Бугун биз мурғак болаларимизни далага олиб чиқиб ишлатиш иллатидан қутулдик.

Ҳаётимизда катта ўзгаришлар рўй бераяпти. Инсоф билан айтганда, бугунги кунда пахтакорнинг кайфияти яхши. Яқин-яқинларгача пахтакорнинг машаққатли меҳнати эвазига оладиган ҳақидан чегириб қолиб «қўшиб ёзишларга» сарфлаганлар оз эмас эди. Оддийроқ қилиб айтганда, энг ҳалол нарса энг ҳаром нарса учун қурбон қилинган эди. Тунгуска метеорити космосдан олиб тушган микроэлементни синтез қилган олимлар бунақа қимматбаҳо ўғит фақат пахтадагина ўзини оқлайди деганида, пахтанинг ҳақиқий баҳосини берган. Пахтанинг харид нархини кўтариш ҳақидаги масала қанчалик тез ҳал бўлса, шунчалик адолатли иш бўлур эди! Бу ҳақда москвалик олим К. Таксир «Правда» газетасида куюниб ёзгани бежиз эмас.

**БУ ЙИЛ ПАХТАКОР УЧУН ЯНА ОҒИР КЕЛДИ.** Баҳор билан ёз, ёз билан куз алмашиб қолгандек бўлди. (Эҳтимол, бунга ҳам Оролнинг қуриб бораётгани сабабчидир). Хуллас, нима бўлганда ҳам оммавий терим кампанияси қийин шароитда бошланди. Партия ва давлат органлари, область, район хўжалик раҳбарлари турли тадбирлар излашяпти. Масалан, яқинда Избоскан районига борганимизда бу йил теримда хўжалик территориясида яшаб, бошқа жойларда ишлайдиган кишиларни, уйда ўтирадиган одамларни оммавий теримга жалб қилиш тадбири ишлаб чиқилганини айтишди. Ишга яроқли бундай кишиларнинг ҳаммасини рўйхатга олишганини, уларнинг ёрдамидан фойдаланмаслик мумкин эмаслигини тушунтиришди. Менингча, бу адолатли тадбир: мактаб боласини дарсдан қолдиргандан кўра уйда ўтирган одам бир ой терлаб пахта терса ҳеч нима қилмайди. Модомики, терим машиналаримиз барибир талабга жавоб бермас экан, янгисини тезроқ ишлаб чиқариш зарур бўлади. Аммо бу барибир келажакнинг иши. Ҳозир эса пахтакор яна бир қийин синов олдида турибди. Куз келди. Шу боисдан ташвиши бир: шунча машаққатлар эвазига етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш керак. Миллионлаб гектар майдонларда, миллиардлаб эгатларда очилиб ётган пахта деҳқоннинг ҳалол пешона тери билан етиштирган покиза нони! Халқимиз нонни табаррук ҳисоблайди. Шундай экан, яна бир марта қийинчиликка чидашимиз, бу хайрли ишга ҳаммамиз қўлдан келган ёрдамимизни беришимиз, жойларда юбилей йили ҳосилини йиғиб олиш учун ақлли ва самарали тадбирлар кўриш керак бўлади.

Нусрат РАҲМАТ

# ЎРГАНИШНИНГ АЙБИ ЙЎҚ

**БУНДАН НАҚ ЎН ЙИЛ** муқаддам Болгариянинг «Олтин қумлоқ» санаториясида АҚШлик фермер Фред Вильямс булан мулоқотда бўлган эдим. Фред менинг самарқандлик эканлигимни эшитгандан кейин суҳбатлашишга мойил бўлиб қолди. Бу йил Самарқанд билан Бухорога бормоқчи бўлганини гапирди.

Менинг тасаввуримда фермерлар ўта қўрс, калондимоғ, нописанд бўлиб гавдаланарди. Лекин ростини айтиш керакки, суҳбатдошим бағоят хокисор эди. Унинг Самарқанд ҳақидаги саволлари ҳам жўнгина бўлиб чиқди.

Мен ўша йиллар Америка пахтачилиги билан анчайин қизиқиб юрардим. Шунинг учун саволларига жавоб қайтаргач, гапни ана шу соҳага буришга ҳаракат қилардим. Қанақа навлар бор уларда? Чигитни қайси усулда экишади? Ҳосилни йиғиштириб олиш тартиби бизникига ўхшашми? Фермерлар теримга қанақа тараддуд кўришади?

— Бизда машиналарни ремонт қилиб қўйишди, — дедим, — бир қисм ҳосилни қўлда ҳам териб олишади.

— Бизнинг Техасда ҳамма фермерлар пахтани териб бўлишди, — деди у жавобан.

Ўшанда август ойининг охирлари эди. Шунинг учун ҳам қизиқишим тағин ошиб, саволда давом этдим. Чунки Техас штатининг об-ҳаво шароити бизнинг Ўрта Осиёмизга яқин туришини ўқиган эдим.

Фермер Акала Эс Жи, Акала Джи Си сингари ғўза навларини тилга олди. Ана шу навлар узоғи билан юз кунда пишиб етиларкан. Кўпи билан икки-уч марта суғоришаркан, холос.

Маълумки, бизда асосий диққат эътибор мўл пахта етиштиришга қаратилади. Фермерлар терим арафасида энг арзон пахта етиштиришни биринчи масала қилиб қўйишаркан. Шунинг учун атиги бир марта йиғиштириб олишаркан, холос.

Америкада пахтазорларни дефолиция қилишмайди, ҳашаротларга қарши кимёвий модда ишлатишмайди, дейишади. Бу гаплар беҳуда. Фермерлар бир қатор кимёвий моддаларни қўллашади. Аммо академик М. Муҳаммаджонов ўзининг «Ерни эъзозлайлик, ҳосилдорлигини оширайлик» деган китобида таъкидлагандек, бизда ҳар гектар пахтазорга 34,4 килограмм, АҚШда эса атиги 2—3 килограмм химикат пуркалмоқда. «Америка пахтачилиги» журнали ва бу борада ёзилган китоблар фермерлар тажрибасини очиқроқ, кўпроқ ёзяпти.

АҚШ пахтазорларида шпинделли пахта териш машиналари билан бирга шпинделсиз (стрипперли) агрегатлар кўпаяётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Уларнинг шпинделли машиналари жуда қиммат. Шпинделлар сони ҳам жуда кўп. Икки қаторли терим машинасига мингдан ортиқ шпиндел ўрнатишган. Бизнинг агрегатларда эса юзтага етар-етмас. Стрипперли машиналар анча истиқболли. Кучли шамол ёрдамида пахтани сўриб оладиган ана шундай агрегатларга сўнгги йилларда жин машиналарини ҳам ўрнатиш тажриба қилиб кўрилмоқда. Бундай агрегат ҳосилни териб олиш билан кифояланмай, уни бир йўла чигитдан ҳам тозалайди. Пахтани қайта ишлашга ҳожат қолмайди.

АҚШнинг бир қатор штатларида лалми ерлардан мўл ҳосил олишаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Статистик маълумотларга қараганда, Техасда 1983 йили лалми майдонларнинг ҳар гектаридан 7,5 центнердан тола олишган. Буни пахтага айлантирсак 22—23 центнерни ташкил этади.

Аммо шуни тан олиш керакки, ана шу лалми ерлар қашшоқ замин эмас. У баҳор, қиш, куз пайтлари обдон ишланади, нам тўпланади, табиий жиҳатдан тўкис ҳолга келтирилади. Фермерлар лалми ерни кузда 40-50 сантиметр чуқурликда ағдариб қўйишади, баҳорда эса дискалаб чигит экишади.

**БИЗ ФЕРМЕРЛАРДАН** тежамкорликни ўрганишимиз керак. Улар бир гектар ерга кўпи билан йигирма килограмм чигит қадайди, холос. Бизда норма олтмиш килограмм, аммо амалда юз килограммдан ошиб кетади.

Самарқандда бир фермер билан мулоқотда бўлиб, унга ғўзани яганалаш ҳақида гапирганимда ажабланиб қолди.

— Нега энди чигитни экиб, кўкартириб олгандан кейин тағин юлиб ташлашади, — деб сўради.

— Чунки зич бўлиб чиқади-да, — такрорлардим мен.

— Нега кўп чигит экишади, нега тежашмайди?

Ҳарчанд қилсам ҳам бу хўжасизлигимизнинг боисини унга тушунтириб беролмадим. Тўғри, АҚШ пахтакорларининг ҳамма тажрибаси ҳам биз учун ибратомуз эмас. Чунки ҳар бир фермернинг ўзига хос иш услуби, агротехникаси, ҳатто алмашлаб экиш системаси бор. АҚШда ерни консервациялаш бўйича конкурс ўтказилиб турилади. Тупроқни мумкин қадар табиий сақлаган, унда ҳаммадан кўпроқ микроорганизмлар, чувалчанглар тўплаган фермерлар конкурс ғолиби бўлиб, катта мукофотлар олишади. Матбуотда ана шундай конкурс ғолибларидан бири техаслик фермер Дуэн Виллз ҳақида ёзишди.

Виллзнинг алмашиб экиш далаларида ғўзанинг ўтмишдоши сифатида кунгабоқардан фойдаланилади. Келаси йил чигит қадаладиган майдонларнинг бир қисмига у эрта баҳорда кунгабоқар экади. Экинни одатдагидай ўғитлайди, суғоради, культивация қилади. Август ойида — ҳосил пишиб етилиши билан уни янчиб, тупроққа аралаштириб юборади. Ҳар бир тийинни тежайдиган фермернинг бу иши андак ғайритабиий бўлиб туюлиши мумкин. Аммо Виллз фойда зарарни минг бор тарозига қўйиб кўрган, албатта. Кунгабоқар янчиб ташланган далаларга жуда кўплаб жониворлар, паррандалар, қурт-қумурсқалар келади. Фермер бир ой давомида ўз даласида овчилик қилади. (Ёввойи каптар сотади) Шу билан бирга, тупроқда анчагина нури тўпланади. Ундаги табиий жараёнлар активлашади. Кейин тупроқ дискаланади ва қолган-қутган дон гуриллаб униб чиқади. Совуқ тушгунча кўкпоя одамнинг белига урадиган бўлиб қолади. Бу ҳам яшил ўғит сифатида тупроққа аралаштириб ташланади. Баҳорда чигит қадаладиган бу майдон ғовак, табиий жиҳатдан унумдор ҳолга келади.

Виллз энтомофаглардан, яъни фойдали ҳашаротлардан фойдаланишнинг кифтини келтирадиган тадбиркор пахтакорлардан. У лаборантлардан харажатни аямайди. Улар ҳафта давомида икки бор дала кезиб фойдали ва зарарли ҳашаротларни ҳисобга олиб чиқадилар. Зараркунандалар нисбатан ошиши билан биологик препаратлар ишга солинади.

Дуэн Виллзнинг кўсак қурти, карадринага қарши пахта мойи аралашмасидан фойдаланиш тажрибаси ибратлига ўхшайди. Бу аралашмадаги сув билан мойнинг нисбати бизга маълум эмас. Оқ мой ҳашаротни ўлдирмайди. Аммо тадқиқотларнинг кўрсатишича, зараркунандаларнинг капалаги унинг ҳидидан қочиб, ғўзага тухум қўймас экан.

Виллз пахта мойи аралашмасини дефолиация ўтказадиган мослама билан туман ҳолига келтириб пуркайди. Мазкур мослама бир йўла 18 қаторга ишлов беради.

Миссисипи штатида яшайдиган кекса фермер Фред Баллард эса қарийб ўттиз йилдан бери қумоқ ерларда пахта етиштиради. Унинг иш услуби, агротехникаси бизникига ўхшаб кетади. Кўрсатгичлари анча баланд. 1982 йилда Миссисипида баҳор серёғин келганлиги, ёзда сув танқис бўлганига қарамай у гектаридан 16,3 центнердан тола олган. Бу эллик центнер пахтага тенг.

Фред Баллард кузда ерни қирқ сантиметр чуқурликда юмшатади. Февраль ойида андак имконият юзага келиши билан жўяк олиб, унга сувсиз аммоний солади. У бир акр (0,4 га) майдонга ўрта ҳисобда 45 минг туп, бир футда (30,5 сантиметр) тўртта ниҳол қолдиради.

Джон Нельяццо деган фермернинг калийли ўғитлардан фойдаланиш тажрибаси ҳақида тўхталиб ўтиш фойдадан холи эмас. Маълумки, биз тупроққа асосан азотли ва фосфорли ўғитлар соламиз. Олимларимиз бир вақтлар: «Тупроғимизда калий моддаси етарли», деб эълон қилганликлари учун бу ўғит жуда кам харид қилинади. Олингани ҳам пахта увотларида қолиб кетади.

«Бизнинг тупроғимизда ҳам калий кўп, деб ёзади Нельяццо, аммо уни ўсимлик ўзлаштиролмайди. Калий етишмагач, ҳосил тугунчалари тўкилиб кетади. Бунинг устига тупроқнинг нам тўплаш қобилияти пасаяди». Фермернинг ёзишича, бир тонна пахта тупроқдан 50 килограмм ҳаракатчан, яъни ўсимлик ўзлаштирадиган калийни олиб кетар экан. Демак, унинг ўрнини тўлдириш шарт. Нельяццонинг тағин бир тажрибаси ҳақида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Пахта йиғиштириб олинган далаларга у кузги ғалла экади. Баҳорда ғалладан мўл ҳосил йиғиштириб олгач, ўрнига чигит қадайди. Ҳар бир майдон йилида икки бор ҳосил беради.

**ТАН ОЛИШ КЕРАККИ,** биз фермерлар тажрибаси ҳақида чўчиброқ гапириш, ёзишга одатланиб қолганмиз. Тўғри, «Меҳнат» нашриёти 1985 йили айрим фермерларнинг иш тажрибаларини рус тилида озроқ нусхада босиб чиқарган эди. Аммо Америкада бўлган ёзувчиларимиз, публицист ва журналистларимиз ҳам бу масалага эътиборни қаратишса, айни муддао бўларди.

Инсоният минг йиллар давомида ўз тажрибалари билан бир-бирини бойитиб, тўлдириб келганлигини унутмаслигимиз керак.

# ҚАРДОШЛИК ҚЎШИҚЛАРИ

Алла ТЮТЮННИК

## МАНГУЛИК

— Севгилим бизни
кутмоқда кема.
Юргил, учайлик
севган юлдузга.
— Қандай гўзал-а,
осмонда улар
майсазор ичра
ётганга ўхшар.
— Севгилим, унда
кутар мўъжиза:
осмон булутсиз,
сувсиз денгиз-да.
— Яхши-ю, қандай
ювгум ўғлимни?
Қаердан олгум
кир учун сувни?
— Севгилим, унда
гуллар қушдайин.
Дарахтлар сўзлаб
кўрар тушларин.
— О, лекин қайдан
шовул терармиз?
Қайси ерларга
зиғир экармиз?
— Севгилим, унда
кутмоқда кема...

Юрий ГЕРАСИМЕНКО

●

Сафга туриб елкама-елка
Жарангларкан «Интернационал»,
Шодлик жўшиб кўзларга зумда
Қувонч ёши қалқар энг аввал.

Қайноқ қардош дилларнинг тафти
Қалбимизга қуйилар мағрур,
Қўлимдадир дўстимнинг кафти,
Бирлигимиз юракда фахр.

Ҳилпирайди нурли байроқлар,
Тўлқинланиб жўшар бутун зал.
Бир тан бўлиб жўшар тилаклар,
Жарангларкан «Интернационал».

Любовь ГОЛОТА

●

Жим турайлик, дарахтлар сўзлашмоқда,
Майсалар қанотин ёймоқда бардам.
Булутлар йиғилиб келган маҳалда
Бизлардан бекиниб олмоқда ой ҳам.

Мана ёмғир қуйди: шаррос ва майин,
Қанотин кўтариб олди ёш майса.

Чимзорда чумоли уяси гавжум,
Беҳисоб юмушлар, беҳисоб бола.

Сўзлама, сукунат эшитиб қолар,
Тинч қўй чумолини, майли, яшасин.

Шамол тун ҳақида тўқир достонлар,
Ахир ҳаёт қайнар пайт ўтган сайин.

Василь МОРУГА

●

Пешвоз чиққин янги тонгларга,
Асрлардан ортда қолмагин.
Илғай билгин ўзга юртларга
Қатнагувчи поезд нурларин.

Тўсиқлар-у, довонлардан ош,
Манзил сари бордир битта йўл.
Эҳтимолки, булар йўқотиш,
Аммо йўлни топсанг, дадил бўл.

Савлатсиз ва сўзсиз бўлсангки,
Юксакликка чиқарсан албат.
Ахир, сенга берилган ерни
Доим обод айламоғинг шарт.

Борис ЧИП

## ШАРҚИЙ ОҲАНГ

Юз лочин қанотин синдирди жангда,
Юз лочин тошларга қулаб берди жон.
Юз биринчи бўлган биттаси шунда
Шафқат сўраб чиқди жардан ногаҳон.

Юз йил лаънат ёғди ўша хоинга,
Юз йил у парвозсиз судради қанот.
Юз қўшиқ тўқилди оғаларига,
Юз биринчи эса шармисор фақат.

Юз ўткир ёй бордир садоқинг ичра
Ва лекин, дўстларга ишонган сари
Ҳамиша ёдда тут, бирор бир жангда
Юз биринчи бўлар балким биттаси.

Ч. РЎЗИЕВ таржималари

Ярослав ЯРОШ

## СЕН ЙИҒЛАМА ҲЕЧ ҚАЧОН

Ғариб ёмғир йиғласин, сен йиғлама ҳеч қачон.
Фироқ айёмида ҳам жоним ичрасан, жонон.
Ҳар замон ҳамдардингман, унутмасман бирор он —
Йиғлама, куз ёмғири бўзлайверсин ютиб қон...

Ҳасратли, қорли кунлар ҳасрат-ла бошинг эгма,
Эрир оппоқ у дардлар — ер кулиб боқар сенга.
Ҳуснингга гард қўндирма, жилмайиб қара менга —
Ҳасратли, қорли кунлар ҳасрат-ла бошинг эгма!

Фасли хазон келса ҳам, хазон билма умрингни.
Ҳазин куз, жўшқин баҳор — бари қалбнинг мулки-да.
Сайр эт баргдай
тутганча тўлин ойнинг илкидан,
Фасли баҳор келса ҳам, хазон билма умрингни.

Иккимиз бирга бўлган дамлар кетмас ёдимдан —
Яйлов... пичан ғарами... кўзимизни очган тонг...
Маъбудам, яратгайсан менга ўхшаган инсон —
Яшагай менинг наслим, розиман ҳаётимдан!..

Руҳим учар от мисол интилади сен томон,
Ошиқона овозим уйғотар оламингни.
Муҳаббатим мангудир, у кўтарар ғамингни —
Сен ғуссага ботма ҳеч, сен йиғлама ҳеч қачон!

Тоҳир ҚАҲҲОР таржимаси

●

Дашту қўриқларда, Карпат бағрида,
Бутун қўшиқсевар Украинамда
Аза тутмоқдалар шаҳидлар учун
Ҳануз бевалари ўртаниб ғамда.

Қабрлар бошида жим турар барча,
Оқсоч булут каби қайғули юзлар.
Жез устида ётар мангу навқирон.
Бир пайтлар уйқуга кетган юлдузлар.

Исмлар, исмлар, сонсиз исмлар...
Қабртошда боқий иззат-икроми.
Ўт ичида қолган ҳарбий қисмлар,
Оҳ, ўша қирғиннинг йўқдир ҳисоби.

Кезиб қишлоқлар-у, шаҳарларингни
Она юртим, сенга қилурман таъзим.
Йўқ, энди муқаддас бу тупроқ сари
Ҳеч бир ёв йўлашга этолмас жазм.

ЧОРШАЪМ таржимаси





Республикамизда ўтадиган Украина ССР адабиёти ва санъати кунларида кўплаб ижодий ҳамда санъат коллективлари иштирок этади. Шу кунларда Ленин комсомоли мукофоти лауреати «Полет» рақс ансамбли ҳам республикамиз меҳнаткашларига ўз санъатларини намойиш қиладилар.

Суратларда: ансамбль раққосалари; Киевнинг барча кўчалари унинг маркази — гўзал Крешчатикка олиб боради.

ЎзТАГ фотолари

*

Адҳам РАҲМАТ

## ТАРАС

ПОЭМАДАН ПАРЧА

Украина мавзуси ўзбек ёзувчиларининг ижодида алоҳида ўрин тутади. Кўплаб ижодкорлар бу мавзуда асарлар яратганлар. Жангчи-адиб Адҳам Раҳматнинг «Тарас» поэмаси ҳам шулар жумласидандир. Адибнинг адабий меросидан топилган, улуғ украин шоири Тарас Шевченкога бағишланган бу поэмадан бир парчани республикамизда ўтадиган Украина ССР адабиёти ва санъати кунлари олдидан эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Тарас улғайиб етди камолга,
Қийналиб ўқиб, бўлди бир олим,
Куйларида у қўрқмайин асло.
Деди: «Йўқолсин зулм ва золим».

Зулматда ёруғ юлдуздек,
Чиқди «Кобзар». Қилди у парвоз.
Бутун мамлакат бўйлаб таралди,
Қулликка қарши янгроқ бир овоз.

Мазлум элларнинг шоири бўлди,
Қулликка қарши ёзди ғазалин.
Аммо золимлар бунга чидолмай,
Сочди Тарасга қаҳру ғазабин,

Таъқиблар уни қўрқитмади ҳеч,
Ташламади у қўлдан қаламин.
Малъунлар яна ғазабга тўлиб,
Олмоқчи бўлди ундан аламин...

Янгроқ овоздан шодланди шоир,
Аммо бу шодлик бормади узоқ.
Озодлик куйин яратган қулга
Подшо жосуси қўйганди тузоқ.

Ниҳоят Тарас қилинди сургун,
Кетди юртидан узоқ элларга.
Яна миллионлар оҳу фарёди
Буруқсиб ётган ўзга ерларга.

Янтоқ устига қўйиб бошини,
Чўмиб кетарди чуқур хаёлга.
Шеърлар ёзиб саҳро-қирларда,
Лаънат ўқирди азобли ҳолга.

Гоҳи ўзича суҳбатлар қуриб,
Дерди: «Йиқитсам золимнинг тахтин».
Гоҳи кечалар хаёлга ботиб,
Ахтарар эди келажак бахтин...

Кўзлари тиниб айланди боши,
Ҳақсизлик тоши босди кўкрагин.
Ойлаб ва йиллаб бахри очилмай,
Сургун азоби сарғайтди рангин.

Кўз юмди шоир васият айлаб:
«Албатта ҳурлик тонги отажак».
Мазлум элини исёнга чорлаб,
Деди: «Сизники шонли келажак».

«Қўзғалинг, дўстлар, қўзғалинг тезроқ,
Зулмат уйига ҳужумни бошланг!
Подшо тахтини, зулм занжирин
Мардона туриб, парчалаб ташланг!»

Жафолар чеккан қулларга боқиб,
Қайғу аламда ёшга чўмилди.
Жонажон Ватан — Украина деб,
Унинг чақнаган кўзи юмилди.

Лабларда қолди сўнгги чақириқ,
Тўхтади қайноқ қони баданда.
Шоир ўлсада, исёнкор куйи
Ёвга ўқ бўлиб қолди Ватанда.

Михаил БЕЛИКОВ,
Украина ССР Кинематографчилар союзи правлениесининг биринчи секретари, Т. Шевченко номидаги Украина ССР Давлат мукофотининг лауреати

## ДИЛЛАРНИ ТУТАШТИРУВЧИ ЛЕНТАЛАР

«Ўзбекфильм», Довженко номидаги ҳамда Одесса киностудиялари санъаткорлари ўртасидаги ижодий ҳамкорликлар илдизи чуқур. Айниқса, 30-йилларда бу алоқалар кучайганди. Шарқ мавзуини яратишга интилган киночилар орасида украин ижодкорлари ҳам бор эди. Ўзбек кинотомошабинлари украин кинооператори Д. Демуцкийни яхши биладилар. Унинг иштирокида яратилган «Насриддин Бухорода», «Тоҳир ва Зуҳра» фильмлари ўзбек, рус, украин кинойилномасида ўчмас бўлиб қолди.

Улуғ Ватан уруши даврида Одесса ва Киев киностудиялари Ўрта Осиёга кўчиб ўтиб, Тошкент киностудияси билан ҳамкорликлар янада кучайди. «Александр Пархоменко», «Денгиз паҳлавони» каби фильмлар Тошкентда ўзаро ҳамкорликда ишланди. Бундай алоқалар кейинги йилларда ҳам давом этди. Фильмлар ишлашда ўзаро режиссёрлар, операторлар, киноактёрлар алмашинмоқда. Тажрибалар оммалаштирилмоқда.

Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунлари программасидан ўрин олган фильмларнинг аксариятини кўриб, бу республикада ёш, талантли санъаткорлар кўп эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Премьераси Украинада бўлиб ўтган «Армон» фильми ва «Алвидо, ғўр ёшлигим», «Амирнинг яширин саёҳати» картиналари мавзусининг актуаллиги ва қизиқарлилиги билан томошабинлар эътиборини тортди.

Биз кинематографчилар халқларимиз ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш учун уларнинг ҳаёти, ўтмиши, қаҳрамонона фаолиятини чуқурроқ ёритишимиз керак. Уларнинг дилларини бирлаштиришимиз зарур.

*Виктор ЖЕНЧЕНКО:*

## ҚАЛБИМДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚИЁФАСИ

**Украинада бўлиб ўтган Ўзбекистон адабиёти ва санъати кунларида мухбиримиз кўплаб ижодкорлар, санъаткорлар билан учрашди. Улар билан халқларимиз, адабиётларимиз, санъатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар, ҳамкорликлар ҳақида суҳбатлашди. Украин шоири, ўзбек адабиётининг таржимони, СССР Ёзувчилар союзи қошидаги ўзбек совет адабиёти кенгашининг аъзоси Виктор Женченко билан суҳбат ҳам ана шулар хусусида борди.**

**— Ўзбек адабиётига мурожаатингиз нимадан бошланган?**

— Ўзбекистон, хусусан Тошкент кўз ўнгимда боғроғлар, гуллар шаҳри сифатида муҳрланиб қолган. Чунки мен Тошкентда уч йил яшаганман. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик катта театрида ишлаганман. У ерда устоз санъаткор Карим Зокиров орқали Ботир Зокиров, Луиза Зокирова, Юнус Тўраев каби эстрада артистлари билан танишганман, улар билан ҳамкорлик қилганман. Айниқса ҳақиқий маънода ижодкор ва санъаткор бўлган Ботир Зокировни алоҳида ҳурмат билан эслайман. Чунки менда бадиий ижодга рағбат уйғотган ҳам ўша бўлди. У билан самимий дўст эдик.

Дастлабки шеърларимни Тошкентда ёзганман, кейин 1965 йили Киевга қайтиб келдим. Анча пайт санъат соҳасида ишладим. «Республикада хизмат кўрсатган артист» унвонига сазовор бўлдим. Бироқ, барибир мендаги шеъриятга бўлган ҳавас ғолиб чиқди. Эндиликда ўнлаб китобларим нашр қилинган.

Ўзбек адабиётига муҳаббат ўша Тошкентда яшаган кунларимдан бошланган десам мақтанган бўлмайман. Театрда ишлаган пайтларимда гастролларда юрганимда ўзбек халқининг ҳаётини кўп кузатганман. Театрда ўзбек шеъриятига кўп мурожаат қилишга тўғри келарди. Шулар сабабми, Ўзбекистон мавзуи шеърларимда аксини топа бошлади (ҳозир ҳам бу мавзуга тез-тез мурожаат қилиб тураман). Кейин эса ўзбек шоирларининг асарларини таржима қила бошладим. Биринчи таржимам атоқли шоира Зулфиянинг айрилиқ, вафо, садоқат ҳақидаги шеърлари бўлди.

Ўзбек санъати мени шеърият билан таништирди. Бошқачароқ айтганда, санъат орқали поэзияни чуқурроқ англаб етдим. Чунки ўзбек поэзиясини музикасиз, оҳангларсиз тасаввур қилиш қийин.

**— Қайси ижодкорларнинг асарларини таржима қилгансиз ва қилмоқчисиз?**

— Боя айтганимдек, Зулфия, Эркин Воҳидов, Сайёр, яна бир таланти шоир М. Бобоевнинг кўплаб шеърларини таржима қилганман. Айни пайтда, айрим насрий асарларни ҳам ўгирганман. Болалар ёзувчиси Ҳ. Назирнинг уч қиссаси, С. Анорбоевнинг «Тўрт кўзнинг бошидан кечирганлари» повести, ёш ёзувчи А. Ибодиновнинг ҳикоялари шулар жумласидандир.

Бу асарлар республикамиз китобхонларида яхши таассурот қолдирди. Айниқса, А. Ибодиновнинг қаҳрамон руҳий дунёсини очиб берувчи гўзал ҳикоялари ёшларимизда катта қизиқиш уйғотди. Келгусида унинг янги асарларини таржима қилиш ниятим бор. Ҳозир шоир Э. Воҳидовнинг «Муҳаббат» китоби устида ишлаяпман. Бу китобдаги шеърларни таржима қилишда Б. Олейник, И. Драч ва бошқа шоирлар ҳам ёрдам бермоқдалар.

Яна шунингдек, келгусида А. Орипов, О. Матжон шеърларини, П. Қодиров, Ш. Холмирзаев асарларини таржима қилиш ниятим бор.

**— Таржима жараёнида асосан нималарга эътибор берасиз?**

— Таржимада энг қийини — шеъриятда оҳангни, насрий асарларда эса руҳни сақлашдир. Асарнинг оҳангига тушмасангиз, руҳини билиб ололмасангиз, таржимага қўл урмаган маъқул. Айни пайтда, таржима жараёнида миллий колоритга ҳам алоҳида эътибор бериш керак.

Таржимада энг яхши ва энг муваффақиятли йўл — асл нусхадан ўгириш, деб биламан. Демак, биз келгусида ўзбек адабиёти билан янада яқиндан танишишимиз учун ўзбек тилини яхши биладиган таржимонларни тарбиялаб етиштиришга ҳозирданоқ эътибор беришимиз керак.

**— Келгусида халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада бойитиш учун нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз?**

— Республикамизда ўтган Ўзбекистон ССР адабиёти ва санъати кунларида ўзбек китоблари кўргазмасига бордим. У ерда ўзим учун кўплаб ижодкорларни кашф этдим. Айниқса, ўз овозига, ўз қиёфасига эга бўлган ёшларнинг кўплигидан қувондим. Уларнинг асарларида Ўзбекистоннинг турфа ранглари қиёфасини кўрдим, унинг образини ёрқинроқ ҳис қилдим. Кейин Ўзбекистонда ўтадиган Украина ССР адабиёти ва санъати кунларида ташкил қилинадиган китоблар кўргазмасида ҳам ўзбек китобхонлари украин ижодкорларининг янги асарларини ўқишини, украин халқининг бугунги ҳаёти билан танишишларини кўз олдимга келтириб хурсанд бўлдим.

Демак, бундан келиб чиқадики, халқларимизни янада яқинлаштириш, адабиётларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун бир-биримиз билан тез-тез учрашиб туришимиз, адабий давралар, кечалар, китобхонлар конференциялари ўтказиб боришимиз керак экан.

Халқларимиз ўртасидаги бугунги муносабатларимизни белгилашда дўстлик тушунчасининг ўзи камлик қиладигандек туюлади. Чунки ўзбек халқи уруш йилларида Украинани фашистлардан озод қилишда қатнашибгина қолмай, ҳозирги ёш авлоднинг ота-оналарини ўз бағриларида тарбиялади. Уларга ўзининг қайноқ меҳрини сингдирди. Демак, ўзбек халқи эндиликда бизга дўстгина эмас, туғишган оға-иниларимиздир. Шунинг учун ҳам мен ҳар гал ўзбек биродарларимнинг асарларини таржима қилишга киришар эканман, қалбимдаги Ўзбекистон қиёфасини чизаётгандек бўламан.

# НОМАЪЛУМ СОЛДАТ

«Номаълум солдат...» Унинг жасорати мангулигини қайта-қайта такрорлаймизу, лекин негадир ўзини «номаълум» деймиз? Унинг киндик қони тўкилган жойда ҳали ҳам эшикка кўз тикиб ўтирган беҳол чолу-кампирлар, вафодор, содиқ рафиқаси, аллақачон невара кўрган фарзандлари бор-ку, Уруш тамом бўлгандан бери 42 йил вақт ўтди, фронтда бўлганлар, окопларда порох ҳидини туйган жангчилар сафимизда жуда оз қолаяптилар.

Шу ўринда «Номаълум солдат» сўзи билан алоқадор бир неча воқеани келтирмоқчиман. Бир неча йил муқаддам, Тошкент маҳаллаларидан бирида, Улуғ Ватан урушида халок бўлганлар хотирасига ёдгорлик ўрнатилди. Ёдгорликка фақат 8 кишининг исм-фамилиясини ёзишга рухсат этилибди. Уларнинг урушда ҳалок бўлганлиги район ҳарбий комиссариатида қайд этилган экан. Қолган ўнлаб, юзлаб йигитлар «бедарак кетган» эканлар. Шу ёдгорлик очилганда бедарак кетганларнинг ота-оналари, рафақалари, фарзандлари қандай ҳолатга тушишини тасаввур қилиб кўринг. Ахийри маҳалла активлари фикрлашиб ёдгорликка: урушдан қайтмаган ҳамма марҳумлар хотираси учун деган сўзларни ёзишни маъқул топишди.

Шу иш юзасидан Тошкентдаги Октябрь район ҳарбий комиссариатида бўлдим. Уруш даври ҳужжатларида фронтга кетган ҳар 10 одамнинг атиги 2 ёки 3 тасининг ҳалок бўганлиги, қолганлари эса «Бедарак кетганлиги» қайд этилганди. Бу ёзувлар ўша суронли даврда битилган. Битилгану, кейин қолиб кетган. Ҳолбуки, бугун биз Россия ўрмонларида ва ботқоқликларида изтопарлар урушнинг номаълум саҳифаларини очаётганликларини, вақт ўтиши билан ҳужжатлари чириб кетган, аммо қуроли, ордену медаллари сақланиб қолган жангчилар жасадларини топаётганликларини шоҳиди бўлаяпмиз. Портлаган самолётлар, ёниб кетган танклар, босиб қолган блиндажлар топиляпти. Наҳотки, улар ҳамон бедарак кетганлар қаторида номаълум бўлиб қолаверадилар?

Сарғайиб кетган бир-икки сурати лотин араб ва рус имлосида битилган учбурчак фронт мактуби қолган солдатни ҳозиргача эшик тақилласа умид билан кўз тикиб кутаётганлар бор. Умуман, сурати ҳам, учбурчак хати ҳам йўқ жангчилар хонадони эса қанчадан-қанча? Москва область, Подольск шаҳридаги Марказий ҳарбий архив ва бошқа ташкилотларга ҳар куни келадиган юзлаб, минглаб хатларнинг мазмуни битта — бедарак кетган фарзанднинг, аканинг, уканинг, отанинг, бобонинг қабри қаерда эканлигини сўрашади.

Яқинда Тошкент область ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамияти томонидан уюштирилган бир сафарда бўлдим. Украинанинг Чернигов областида янги топилган ўзбекистонлик марҳум жангчилар қабрларини бориб зиёрат этдик. Биз билан марҳум жангчиларнинг фарзандлари, ака-укалари бирга бўлдилар.... Чернигов областининг уруш ветеранлари, комсомоллар ва пионерлар шу областда Ўрта осиёлик 16 минг жангчининг қабри борлигини аниқлаганлар.

Полковник Владимир Драгунов урушнинг биринчи кунидан сўнгги дақиқасига қадар қатнашиб, юртига — Черниговга қайтгач урушда ҳалок бўлганлар ва бедарак кетганларни излаб топишга киришди. Ойлаб архивларни титкилади, минглаб километр ўрмон ва жарликларни кезиб чиқди, уруш ҳақида, жанглар ва жангчилар ҳақида ҳужжатлар тўплади. Унинг ёрдамида топилган юзлаб ўзбекистонлик жангчилар қабрини зиёрат қилдик.

Полуботки қишлоғидаги биродарлик қабристонида Маҳмуд Раҳмонов, Иброҳим Турсунов, Мирзақул Ўрозов, Маматқул Ҳайдаров, Каримжон Худаев дафн этилган. Павловка қишлоғида дафн этилган Мамаюсуф Эгамбердиевнинг ёлғиз қизи — отаси фронтга кетганда она қорнида қолган Холбуви Эгамбердиеванинг отаси қабрини қучиб чеккан фарёдига унинг ҳамроҳлари ҳам, ўша қишлоқ аҳолиси ҳам чидаб туролмади. Холбуви туғилганда «бедарак кетди» деган қоғоз, «қора хат» келган экан. 43 йилдан кейингина марҳум ота ва фарзанд «учрашдилар»... Демак, ота бедарак кетмаган экан. Кимнингдир бепарволиги оқибатида «Мамаюсуф» исми қабр тошига «Татаюсуф» деб битилибди.

Буни ҳам Владимир Драгунов аниқлаган. Редковка қишлоғидаги Низом Исаев қабри олдида унинг акаси — Зиёдулла Исаев ва қаҳрамоннинг қизи Ҳабиба тиз чўкиб таъзим қилдилар. Беомон уруш олиб кетган бедарак солдатнинг 6 фарзанди ва ўнлаб неваралари кўнгли ниҳоят таскин топди: у бедарак кетган эмас, ҳалок бўлган, жангда жон фидо этган.

Черниговга яқин Александровка қишлоғида 300 дан ортиқ жангчи кўмилган. Шулардан 100 га яқинининг исми-фамилияси аниқланган, холос. В. Драгунов тузган рўйхатдан қуйидаги фамилияларни ёзиб олдим: Абдусалом Абдурашидов, Оқил Қобилов, Кенжам Каримов, Эгамқул Каримов, Ниғмат Кенжаев, Каримжон Мадраҳимов, Ҳикоят Норов, Рўзибой Ниғмонов..

Баъзи исмлар, фамилиялар бузиб ёзилган бўлиши ҳам мумкин. Биз маълум ва номаълум қаҳрамонлар қабрига гулдасталар қўйиб, хотираларини ёдга олдик. Тошкент область тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамиятининг ходими, шу ташкилот ҳузуридаги «Прометей» ёш изтопарлар клуби раҳбари Зарифа Эшмирзаева уруш бўлган ҳамма областлар ҳарбий комиссариатлари, комсомол ташкилотлари, ҳарбий архивлар ва уруш ветеранлари билан алоқа боғлаб, урушда ҳалок бўлганлар ва бедарак кетганларни излаб топиш, уларнинг оила аъзоларини хабардор этиш билан шуғулланади. Зарифанинг бундай савобли ва машаққатли меҳнати мақтовга лойиқдир.

Номаълум солдатнинг жасорати «Мангу ва унутилмас» деймиз. Демак, жасорат соҳиби «номаълум» эмас, «бедарак кетган» эмас, балки ҳаммамизнинг отамиз, акамиз жигаргўшамиздирлар. Бугунги ёрқин кунимиз учун бўлган жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган асл халқ фарзандидирлар! Уларнинг жасорати ҳам, номлари ҳам мангудир. Улар хотирасини доимо ёдда сақлаш инсоний бурчимиз.

Анвар ТОЖИЕВ

